



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

Выпуск №20 (том 3)
(ноябрь, 2021)

ВАҲШАТ ИФОДАСИННИГ НАВОЙӢ ҒАЗАЛИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИГА ДОИР Улугбек Санакулов	895
ОСОБЕННОСТИ ВЫБОРА БАСКЕТБОЛА СРЕДИ ШКОЛЬНИКОВ 8-10 ЛЕТ Алимбетова А.Т., Латипов Р.И.	901
O'ZBEKISTONDA FAOLIYAT YURITAYOTGAN KICHIK SANOAT HUDUDLARI RIVOJLANISHINING MILLIY IQTISODIYOTDAGI O'RNI Muhammadjonov Bobirmirzo Botirjon o'g'li, Zaylobidinov Humoyunbek Mirzabek o'g'li	904
FOREIGN LANGUAGE TEACHING AND LEARNING Boqiyeva Marjona Shuxratovna	913
A BAUM-KATZ THEOREM FOR RANDOM VARIABLES UNDER EXPONENTIAL MOMENT CONDITIONS М.К. Holmurodov	915
ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ Ниёзова Саломат Сапаровна	919
РОЛЬ ВНУТРЕННЕГО МОНОЛОГА В РАСКРЫТИИ ОБРАЗА РОДИОНА РАСКОЛЬНИКОВА В РОМАНЕ Ф. М. ДОСТОЕВСКОГО «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ» Фируза Бегматова	931
МАКТАБГАЧА ТА'LIM YOSHIDAGI BOLALARNING QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH Ergasheva Sevinch Shakir qizi	935
NUQSONI BULGAN BOLALAR TA'LIM-TARBIYASIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING UZIGA XOS XUSUSIYATLARI Хо'jamberdiyeva Sarvinoz Keldiyarovna	938
ЎЗГАЛАР МУЛКНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ Сатторова Мухаррам Абдураззоқовна	941
БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ Ниёзова Дилноза Ойбековна	949
SOME ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF USING MOTHER TONGUE IN TEACHING AND LEARANING A FOREIGN LANGUAGES Rahmatova Zarnigor Bahodirovna	956
NATIONAL- CULTURE SPEECH ETIQUETTE IN ENGLISH AND UZBEK To'htayeva Aziza Oybek qizi	962
ДЕТСКАЯ КНИЖКА-ИГРУШКА КАК РАЗВИВАЮЩАЯ ДИЗАЙН- ФОРМА Аскарходжаева Муниса, Дмитриева И.В.	967

ФИО автора: Ниёзова Саломат Сапаровна

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга

қарши курашиш кафедраси профессор

вазифасини бажарувчи, ю.ф.д.

Название публикации: «ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ»

Инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида дикқат-эътибор кучаётган бир даврда инсон ҳаёти, яъни яшаш ҳуқуқи масаласи энг долзарб ва аҳамиятга молик бўлган воқелик сифатида намоён бўлмоқда. Яшаш ҳуқуқи нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажralмаслигини, балк инсоннинг Конституция ва бошқа ҳуқуқий хужжатлар асосида кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг ибтидоий шарти эканлигини ҳам англатади.

“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт”нинг 6-моддаси 1-бандида эса бунга кенг таъриф берилади: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажralмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги белгилаб қўйилган⁶⁶. Демак, Асосий қонунимизда ҳар ким табиий, субъектив ҳуқуқлар сирасига кирувчи асосий ҳуқуқ - яшаш ҳуқуқига эгадир. Мамлакатимиз қонунчилигига ўзини-ўзи ўлдирган шахсга нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган бўлсада, бундай баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш, бунга замин яратा�ётган шарт-шароитларни, сабабларини ўрганиш, уларга тўғри баҳо бериш айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2021. <https://constitution.uz/uz/clause/index>

Содир қилинадиган жиноятлар ичиде энг хавфлиси бу инсон ҳәтига тажовуз қилувчи қилмишлардир. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳәти ва соғлиғи бебаҳо бойлик. Шахснинг бу бойликларидан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши фожия ҳисобланади. Инсон яшар экан, ҳаётдан, унинг наъматларидан барҳаманд бўлиб яшашга интилади, ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Инсоннинг соғлиғига зарар етказилиши унга жисмоний, ахлоқий, руҳий азоблар бериб, унинг ҳәтий фаолиятини чеклаб қўяди. Шахсга қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги сабабли, жиноят кодексининг Махсус қисми биринчи бўлими “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган бўлиб, ўзини ўзи ўлдириш жинояти ўзига хос жтиҳатлари билан ажralиб туради.

Ҳаётда биз “ўзини ўзи ўлдириш” сўзига шунчалик ўрганганмизки, ҳатто унинг тушунчаси, моҳияти ҳақида ўйлаб кўрмаганмиз. Тадқиқот предметини аниқлаш учун ўзини ўзи ўлдириш ҳолатларига объектив бир таъриф бериб ўтиш лозим. Бунда суицид атамасидан фойдаланамиз.

Суицид атамаси илк марта итальян психологи Г.Дэзэ томонидан 1947 йили киритилган ва “ўз умридан маҳрум бўлиш ниятидаги хатти-ҳаракат” маъносини англатади. Бу масала ҳукуқий жиҳатдан доимо қизиқиш уйғотиб келган.

Суицид (инглизча “suicide” – “ўз ўзини ўлдириш”) – онгли тарзда инсоннинг ҳаётдан олган ўткир руҳий жароҳатлари таъсирида, ўз ҳаёти ҳақидаги ўй-хаёлни ўйқотиши, ўз-ўзини ўлдириш – актив жамиятда яшашни ижтимоий – пассив тарзда рад этишнинг охирги белгисидир⁶⁷.

Статистик маълумотларга кўра, ўзини ўзи ўлдириш жаҳонда ўлимнинг келиб чиқиши сабаблари рўйхатида 8-ўринда, зўравонлик ўлимлари орасида 1-ўринни эгалashi, ҳар йили бир миллионга яқин одам суицид оқибатида ўлиши, 10 миллиондан 20 миллионга яқин одам эса ўзини ўзи ўлдиришга уриниши кўрсатиб ўтилади⁶⁸.

⁶⁷Шамшетова А.К., Сулетбаева Э.С., Ержанова М.К. Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш (профилактика, диагностика, коррекция). – Нукус., 2015. – Б.25.

⁶⁸ ria.ru/society/20080131/98082091.html.

Хар йили 1 100 000 шахс ўз жонига қасд қилади. Шулардан: 300 000 таси хитойликлар; 160 000 таси ҳиндлар; 37 000 таси америкаликлар; 30 000 таси руслар; 30 000 тасини японлар ташкил қилади; 16 000 тасини эса французлар; 10 000 таси украинлардан иборатдир⁶⁹.

Илмий тилда ўз жонига қасд қилишни суицид (лотинча *sui caedere*⁷⁰ – ўзини ўзи ўлдириш) бўлиб, шахснинг ўз хоҳиш, ихтиёрига кўра (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларида ҳам) мустакил ёки бошқа шахсларнинг ёрдами билан (эвтаназия) ўзини ўзи ҳаётдан маҳрум этиши тушунилади. Суицид жиддий ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Суицид – онгли равишда ўзини ўзи ўлдириш (лотинча *сui* – ўзини, *седере* – ўлдирмоқ). Инсоният тарихи мобайнида ўз жонига суиқасд қилиш муаммосини ечишга нисбатан аввал технологик, кейинчалик – фалсафий ва ахлоқий нуқтайи назарлардан ёндашилган.

Олимлар суициднинг қуидаги турларини келтириб ўтишган. Уларга: биринчидан, совуқ суицид – бунда шахс чиндан ҳам ўлишни хоҳлади, яшашни истамайди; иккинчидан, эътиборни ўзига қаратувчи суицид – бу турда суицид ўйиннинг яқунини олдиндан аниқлаб беради, бунда шахс охиригача уни бошқалар кутқариб қолишиларига астойидил ишонади, у шунчаки бошқаларни эътиборини ўзига қаратишни хоҳлади; учинчидан, ягона нажот – суицид – бунда барча муаммолардан қутилишнинг ягона йўли-суицид ҳисобланган.

Агар совуқ суицид бўлмаса, қолган ҳолларда шахсни тўхтатиб қолишининг йўли мавжуд бўлади. Гап шундаки, ўзини-ўзи ўлдирувчилар ўз муаммолари гирдобида қулфланиб қолган бўлишади ва ўз қарорларидан бошқа йўлни кўрмайдилар. Бундай инсонларга руҳшунос ўз муммоларини ечимини топишда муқобил (альтернатив) йўлларни кўрсатмоғи, ўлимсиз, ҳаётда эса кўп нарсани

⁶⁹ <http://www.lossofsoul.com/death/suicide/statistic.htm>.

⁷⁰ <http://ru.wikipedia.org/wiki/самоубийство>.

тўғирлаш мумкинлигини ва бунинг яна қўпгина йўллари мавжуд эканлигини тушунтиришлари лозим⁷¹.

Жаҳонда суицид юзага келишининг бир қанча сабаблари мавжуд, улардан энг асосийлари: Жавобгарликдан, жазодан қутулиш; оилавий низолар (ота-бала, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар); иқтисодий инқирозлар (банкротлик, қарзга ботиб кетиш, ишсизлик); ишдаги (ўқишидаги) муаммолар; баҳтсиз (жавобсиз) муҳаббат, эрнинг ёки хотиннинг хиёнати; ҳаётидан қониқмаслик, зерикиш, ўз ўрнини тополмаганлик, ёлғизлик; яқин инсонларидан бирининг ёхуд машҳур кумирининг ўлими; руҳий ҳолатнинг бузилиши, руҳий хўрланиш (номусга тегиш, қалтаклаш каби жисмоний зўрликлар оқибатида); соғлиқ билан боғлиқ муаммолар, гиёҳвандлик, алкогализм; диний фанатизм каби оқибатлар натижасида ўзини ночор, касалманд, ҳеч кимга кераксиздек ҳис этиш ёки ўз оғирлигини яқинларига солишини хоҳламаслик ёхуд ўз шаъни, қадр-қимматини камситилишидан, шарманда бўлишдан, қораланишдан қўрқиб ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари вужудга келишини кузатиш мумкин.

Бундай сабаблар инсонни руҳий танглик ҳолатига олиб келади-ки, бунда ёлғизлик ҳисси, ваҳима кучайиши, ишончнинг йўқолиши, ҳаётга умидсизлик кайфияти, яшашдан мазмуннинг хиралashiши, ўзига нисбатан баҳолашнинг паст даражага тушиб қолиши кузатилади. Айни пайтда кишининг қисқа муддатда ўзини ўзи бошқариб бўлмайдиган ҳолатга тушиши бошдан кечирилади. Хатарли жиҳати шундаки, шахс ўз бошидан кечираётган муаммолар гирдобига тушиб қолади, ўзини чорасиз сезади, ғам-ғусса, ваҳима уни ҳар томонлама ўраб олади. Ягона чора ўзини-ўзи ҳалок этиш бўлиб туюлади⁷².

Тадқиқотлар натижасига кўра, тиббий нуқтаи назардан ўз жонига қасд қилганларнинг аксариятига руҳий ҳолатнинг кучли бузилиши (депрессия) ташхиси қўйилган. Шунга мувофиқ, Япония давлатида биринчи навбатда бундай ташхис қўйилган бемор билан тегишли даволаш усусларини қўллаш учун

⁷¹Акопян К.З. Самоубийство: проблемы мотивации//Психологический журнал. – М., 1996. – №2. – С.16–23.

⁷² <http://www.parvona.uz/news/articles/595.html>

биринчи навбатда рухий ҳолатни нима сабабдан бузилганлигини ўрганиш мухим саналади⁷³.

Ўзини ўзи ўлдириш билан бир қаторда, ўзини ўзи қурбон қилиш тушунчаси ҳам мавжуд. Ўзини ўзи қурбон қилиш тушунчаси кўпроқ диний мафкуралар билан боғлиқ бўлиб, бунда ўз жонини дин учун ёхуд уруш пайтида Ватан учун, халқ манфаатларини кўзлаб ўзини-ўзи фидо қилиш (шахид бўлиш) кабилар билан боғлик⁷⁴. Тарихга назар ташласак, суициднинг Харакири (Япония) ва Сати (Хиндистон) каби шаклларини ҳам кузатишимииз мумкин.

Бироқ, барча динларда ўзини-ўзи ўлдириш катта гуноҳ эканлиги айтиб ўтилади. Кўпгина диний таълимотларга кўра, ўзини-ўзи ўлдириган шахслар бошқа шахслардан алоҳида қабристонларга кўмиладилар. Жумладан, муқаддас динимизга кўра, бундай шахсларга жаноза ўқилмайди. Зеро, Аллоҳ Таоло Куръони каримнинг Нисо сураси, 29-оятида инсонни ўзининг яшаш ҳуқуқига тажовуз қилишидан ман этиб: “Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирманг” деб бандаларини огоҳлантиради” ва яна “Аллоҳ албатта сизларга меҳрибондир”, деб марҳамат этади⁷⁵.

Аммо минг афсуслар бўлсинки, ҳозирда ўзини бошқара олмаслик, ўзига ишончсизлик, сабрсизлик натижасида, айниқса сўнгги ўн йил ичидаги ёшлар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш З баробарга ўсди. Ҳар йили 15-19 ёшлар атрофидаги ўсмир, вояга етмаганларнинг ҳар ўн иккинчиси ўз ҳаётига қасд қилишга ҳаракат қилиб кўрмокда⁷⁶.

Ўзини ўзи ўлдириган кўпчилик балоғат ёшида бўлган ўсмирлар қўп ҳолларда айнан ўзларининг ота-онаси, ўқитувчилини, ўртоқлари умуман у билан таниш бўлганлар ўзлари билмаган ҳолда ва хоҳламаган ҳолда жабрланувчига нисбатан раҳмсиз муомалада бўлиб, хўрлашади, натижада иродаси бўш бўлган бола арзимаган нарса сабабли ўзини-ўзи ўлдириши ҳолатлари бир қанча учраб

⁷³ Japan Medical Association Mental Health Committee. JMAJ 56 (3): 129–142, 2013.

⁷⁴ [http://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%81%D0%BE%D0%BC%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%MC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BA%D0%BE%D0%BC](http://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%81%D0%BE%D0%BC%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%B0%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BA%D0%BE%D0%BC)

⁷⁵ <http://www.quran.uz/tafsir/tafsirlar/oltinxon-tora/368-004.html>

⁷⁶ <http://lossofsoul.com/death/suicide/statistic.htm>

турмоқда⁷⁷. Бундан ташқари, бугунги кунда “буллинг” тушунчаси ҳам оммалашиб, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалмоқда. Буллинг (bullying) – бу бирорларнинг устидан кулиш, мазах қилиш орқали руҳий жароҳат етказишидир. Кибер-буллинг (эзиш, босим ўтказиш) ижтимоий ахборот воситалари орқали содир этилганда айниқса, ўсмирик ёшида бўлган болалар учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Дунё миқёсида ўзини ўзи ўлдириш ҳар қайси мамлакатда деярли бир хил: ўзини осиш, ёқиши, чўқтириш, заҳарлаш, кислота ичиш, вена томирларини кесиш, поезд тагига ташлаш, пичоқ санчиш, баланд бинодан ўзини пастга улоқтириш, тўппонча билан отиш каби усувлари кўп учрайди. Статистик маълумотларга кўра, эркакларга нисбатан аёлларда ўзини-ўзи ўлдиришга уруниш ҳолати кўпроқ учраб, бунда эркаклар кўпроқ ўзини отиш усулини, аёллар эса турли доридармон, токсик суюқ моддалар билан ўзини заҳарлаш усулини қўлайди⁷⁸.

Бироқ, эркаклар танлаган усувлар ўлим билан якунланади. Шунингдек, кўпгина суицидчилар ўлим олди ўзларидан сўнгги хат-ёзишмалар, қайдномалар ёзиб қолдиришлари кузатилган.

Сўнги йилларда Осиёнинг ривожланаётган давлатларида ёш хотин-қизлар томонидан суицид содир этилиши даражаси ўсмоқда. Ҳаёт ва оғир оиласвий шароит уларда суицид хулқ-атворини шакллантириб, хусусан эрта турмуш, ёш она, паст ижтимоий мақом, оиласвий зўрлик ва иқтисодий қарамлик омиллари бу аёлларда кучли тушкунликни келтириб чиқармоқда. Аксарият руҳшуносларни эътирофича, бундай аёллар “ҳеч ким томонидан тингланмаган” аёллардир.

Баъзида ўзини ўзи ўлдириш ҳолатига қурбон бўлганнинг ўзи сабаб бўлади, яъни жабрдийда шахснинг ўзи ҳаракатининг субъекти сифатида туради. Шуни айтиш жоизки, ўзини ўзи ўлдириш тўғрисидаги умумэътироф этилган фикрда айнан шу ҳолат асосий фактор ҳисобланади. Бундай ҳаракатларнинг ички сабаблари эса ушбу нуқтаи назардан маълум бир аҳамиятга эга бўлмайди.

⁷⁷ Мусаев М. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни тергов қилиш. – Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – 2007. – Б.76.

⁷⁸ <http://love-home.org.ua/suicide/>

Хуқуқшинос олим Э.Дюргейм “...хар бир ижтимоий гурух ўзини ўзи ўлдиришга фақатгина муайян ўзига хос бўлган жамоа мойиллиги, у эса, ўз навбатида, шахсий мойиллик ўлчамини аниқлайдиган маълум бир хислатга эга деб таъкидлайди”⁷⁹.

Жамиятда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати ҳар доим оғир гуноҳ ҳисобланиб, қораланган ва ҳаттоки жазоланган. Индивиднинг ўз ҳаётига ихтиёрий равишда қасд қилиш қарори жамиятга, ахлоққа, яратганга қарши қаратилган жиноятми ёки бу унга берилган яшаш ҳуқуқи каби яна бир ҳуқуқ бўлиб, инсон ундан ўз хоҳиш-иродасига кўра фойдаланиши мумкинми деган фикр туғилиши табиий.

Агар дунёда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан турли ҳалқлар томонидан қўлланилган жазо чораларини бир-биридан фарқланишини ҳисобга олмаганда, ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари икки асосий босқичда ўтганлигини қўришимиз мумкин.

Биринчи босқичда шахс ўз хоҳишига кўра, ўзини ўзи ўлдириши тақиқланган. Аммо давлат бунга розилик бериши мумкин бўлган. Демак, маълум бир ҳолатлардагина, жамият томонидан қоралаб келинган ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатларига рухсат берилган Масалан, Афинада ўзини ўзи ўлдиришга Сенат томонидан рухсат берилган, қачонки шахснинг ҳаёти чидаб бўлмайдиган даражада деб баҳоланса ва бу ҳаракат қонуний ҳисобланган. Аксинча, бундай қилмишлар жамоа вакиллари иштирокисиз содир этилса, ахлоқсиз деб топилган.

Иккинчи босқичда қоралаш мутлақ хусусиятга эга ва ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмаган. Инсон ҳаётини идора қилиш имконияти жиноят учун жазо сифатида тайинланадиган ўлим жазосидан ташқари нафақат манфаатдор субъектдан, балки бутун бир жамиятдан олиб ташланди.

Жамиятда “ўзини ўзи ўлдириш ҳуқуқи”га доир баҳс-мунозаралар ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Ҳуқуқшунос олим Э. Дюргеймнинг таъкидлашича, “...ўзини ўзи ўлдириш қораланиши лозим, чунки бундай ҳолат ахлоқимизнинг асоси бўлмиш инсониятнинг шахс маданиятига зид. Бизга инсон ўзини ўзи

⁷⁹ Дюргейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. – СПб., 1988. – С.24.

ўлдираётган пайтда фақатгина ўзига заарар етказади ва жамият ушбу ҳолатга аралashiши шарт эмас деб айтишади. Бу англишмовчиликдир. Жамият бундай вазиятда ҳақоратланади, чунки жамият аъзоларини боғлаб турувчи ахлоқий аксиомаларга таянган туйғулари ҳақоратланган ҳисобланади. Инсон ҳаёти шахс ёки гурӯҳ томонидан бошқарилмайдиган муқаддас илоҳият деб тан олинган ёки тан олиниши керак бўлган вақтдан бошлаб ҳаётга қарши қаратилган ҳар қандай қасд тақиқланиши лозим. Мазкур ҳолатда жиноятчи ёки қурбон бўлган шахс ягона инсон эканлиги муҳим аҳамиятга эга эмас. Ижтимоий ёвузлик жиноятчи ўзига жабр қилган тақдирда ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Агарда бизни ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари муқаддас илоҳиятни ҳақоратлаш сингари ғазабни келтирган бўлса, бу ҳолатларга тааллуқли бўлган ҳар қандай кўриниш ёки вазиятларга нисбатан чидаб келишимиз ноўриндир. Бу масалада чекинадиган бўлсак, келажакда жамоа ҳислари ўз кучини йўқотиши мумкин”⁸⁰.

Аммо бу муаммога Э.Дюргеймдан фарқли ўлароқ ҳуқуқшунос М.И.Ковалёв бошқача тарзда ёндашган. Унинг фикрича, агар инсонга яшаш ҳуқуқи берилган бўлса, у ўлиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши керак. Инсоннинг хоҳишига кўра, ўз жонига қасд қилиш қарори ахлоқ ва юридик жиҳатдан қораланмаслиги лозим. Яшашга бўлган ҳуқуқ ҳар қандай одамнинг табиий ҳуқуқи. У тўғридан-тўғри ҳуқуқий меъёрларда қайд этилмаган бўлсада, шак-шубҳасиз мавжуддир. Бундан ташқари, инсон яшаш ҳуқуқидан ўз хоҳиш иродасига кўра фойдалана ололмайди, чунки у ўзининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёга келади ва худди шундай дунёни тарк этади. Бироқ, туғилиш ва ўлим орасида оқаётган фаол ҳаёт инсон узлуксиз равишда бажариши лозим бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга тўла. Уларнинг асосида ҳар бир инсоннинг ўзидан кейин “ўз ҳаётининг давомчиси бўлган” ворис қолдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат инсон ҳаётининг олий қадрият эканлигини акс эттиради ҳамда у ахлоқ, одоб, қонун нормалари, мажбурлов ва рағбатлантириш тизими билан ҳимоя қилинади. Айнан ҳуқуқий давлатда яшаш ҳуқуқининг шарофати билан фуқаролик жамиятидаги қонун нормаларининг

⁸⁰ Дюргейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. – СПб., 1988. – С.409.

тўлақонли амал қилиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг устуворлиги таъминланади⁸¹.

Ҳозирги кунда айрим давлатларда ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатини содир этиш тақиқланмаган. Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, амалда ўзини ўзи ўлдириш ҳуқуқи мавжуд деб хулоса қилиб бўлмайди. Лекин баъзи бир олимлар мазкур ҳуқуқ қонунда акс эттирилиши лозим деб ҳисоблашади.

Бугунги кунда шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ижтимоий хавфли жиноят деб баҳоланиб, унга нисбатан барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Жиноят кодексларида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Maxsus қисмининг “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланувчи биринчи бўлими ўз ичига еттита бобни (I боб – Ҳаётга қарши жиноятлар; II боб – Соғлиққа қарши жиноятлар; III боб – Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; IV боб – Жинсий эркинликка қарши жиноятлар; V боб – Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар; VI боб – Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар; VII боб – Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар) қамраб олган.

Мазкур грухга кирувчи жиноятларни қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодекси Maxsus қисмининг биринчи бўлимига жойлаштирилиши Республикаизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш асосида олиб борилаётган қоидаларга, яъни айнан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиш ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг концептуал ғояларидан келиб чиқади. Мазкур концепциянинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деб

⁸¹ Ковалев М.И. Права на жизнь и право на смерть//Законность. – М., – 1992. – № 9. – С.68.

мустаҳкамланган қоидага асосланган. Шундан келиб чиққан ҳолда шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифаларидан биридир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 103-моддасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва 103¹-моддасида ўзини ўзи ўлдиришга унданганик учун жиноий жавобгарлик берилган бўлиб, ЖКнинг 103-моддаси матни Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Конунни билан янги таҳрирда берилди ҳамда 103¹-модда билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган 103¹-моддаси бугунги куннинг долзарб муаммоларини олдини олишга қаратилган. Чунки, ҳозирги кунгача 15–44 ёшлилар орасида “Суицид” ўз жонига қасд қилишнинг уч хил сабаблари аниқланган. Бундай ишга қўл ураётганлар одатда рухан кучли азобланаётган ва тушкун ҳолатда бўлиб, ўз муаммоларини еча олмайди. Ўз жонига қасд қилиш, кўплаб руҳшуносларнинг таъкидлашича, атрофдагиларнинг тушунмаслиги, ёлғизлик, меҳр-муҳаббат этишмаслиги каби сабабларга бориб тарқалади⁸².

Бугунги глобалашув даврида интернет оламининг қулайликлари кун сайин ортгани билан унда бузғунчи мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб, ижтимоий тармоқлар ёвуз кучлар қўлида даҳшатли қуролга айланиб қолмоқда. Интернет орқали “Кўк кит”, “Китлар денгизи”, “тинч уй”, “Бой хонимлар” каби номлар билан аталган ҳамда мақсади ўсмирларни ўз жонига қасд қилишга ундейдиган ўйинлар кенг тарқалмоқда. Аниқланишича, ушбу ўйинга аъзо бўлгач ўсмирларга турлича, хусусан, “бирор бир нарса”нинг суратини чизиш, серқатнов кўчадан автомобиллар яқин қолганида олдидан югуриб ўтиш ва бу жараённи бевосита видеотасвирга олиш, танасига турли суратларни пичоқ ёрдамида кесиш

⁸²Шамшетова А.К., Сулетбаева Э.С., Ержанова М.К. Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш (профилактика, диагностика, коррекция). – Нукус., 2015. – Б.24.

йўли билан чизиш, улар юборган мусиқани кеча–ю кундуз тинимсиз тинглаб юриш каби топшириқлар берилади.

“Ўлим гуруҳи”нинг топшириғи эса, асосан, тонгги соат $4^{20}-4^{50}$ атрофида берилиши, уларга сўнгги вазифа беришда, “бу туш экани, шартни бажариш билан уйғониши ва натижаси қандай бўлганлигини билиш мумкин”лиги каби гипноз усуllibаридан фойдаланилади. Уларнинг топшириғини бажарган шахслар охир-оқибат содир этаётган ҳаракатлари натижасида ўзини ўзи ўлдириш даражасигача боришмоқда.

Мазкур ҳаракатларни жамият учун хавфи жуда юқори бўлганлиги сабабли ўзини ўзи ўлдиришга унданлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани жиноят қонунчилигига киритишни даврнинг ўзи тақозо этади.

Расмий маълумотларга қўра, Ўзбекистонда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан “Кўк кит” ўйинининг 15-босқичига етиб келган, 5 нафар ўкувчиларнинг ҳаётлари сақланиб қолинган.

бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда бир қатор давлатларда, яъни Беларусь Республикаси ЖКнинг 146-моддасида, Арманистон ЖКнинг 111-моддаси, Қирғизистон ЖКнинг 106-моддаси ва Туркманистон ЖКнинг 103-моддасида ўз жонига қасд ёки суиқасд қилишга ундаш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланганлигини қўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланаб, унинг бу бойлигидан маҳрум этилиши ёки шикаст етказилиши оғир жиноят ҳисобланган. Бу эса ушбу турдаги жиноятларнинг хавфлилик даражаси юқори эканлигини кўрсатади, шунингдек шахсга қарши жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги, уларнинг содир этилиши натижасида ҳаёт ва соғлиқ, жинсий эркинлик, оила ва ёшларнинг манфаатлари, ахлоқ нормалари, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий зарар етказилиши билан ҳам шартланади.

Шулардан келиб чиқиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти билан бир қаторда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган

жиноятлардан бири бўлган қасдан одам ўлдириш, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш, одам ўғирлаш, одам савдоси, номусга тегиш каби жиноятлардан жабрланишнинг олдини олиш, уларга етказилган маънавий, моддий заарларнинг қопланишига доир ҳуқуқий механизм яратилиши ва ушбу жиноятлар виктимлогик профилактикасининг самарадорлигини ошириш, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишда долзарб аҳамият касб этади.

